ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

44 (646)

2008 йил 29 октябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
▶ Оқсоқоллик осон иш эмас!
▶ Масъулиятли палла масъулияти

3
▶ Тараққиёт ташаббусдан бошланади
▶ "Бандлик" дастури бекорчиликка қарши чора

4
▶ "YURIDA" — ҳужжатлар борасида ҳозиржавоб
▶ Юнус Ражабий яшаган маҳалла...

2008 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади

Фуқаролар йиғинлари сайлови олдидан

МАҲАЛЛАДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Зилол – вилоят марказидаги йирик маҳаллалардан бири. Маҳаллада ободонлаштириш ва кўркаламзорлаштириш, эл осойишталигини таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган учрашувлар, суҳбатлар, турли маърифий-тарбиявий тадбирларни мунтазам ўтказишга, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга катта эътибор қаратилаётир. Натижада кейинги йилларда маҳаллада воягa етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилмади, 2007 йили маҳалладаги 5-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

— Барча шаҳар ва туманларда сайловга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси ўринбосари, «Маҳалла» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими раиси Муқум Ҳасанов. — Бу борада қандай ишлар амалга оширилганини Зилол маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳаллада сайловга доир кўргазмали тавсиялар, адабиётлар, зарур ҳужжатлардан тортиб, компьютер ва бошқа техник воситаларгача — барчаси тахт қилиб қўйилган. Сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар, туман комиссиялари, ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида кўргазмали семинарнинг ушбу маҳаллада ўтказилишига сабаб – бу ерда тўпланган тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришдан иборат.

Семинар қатнашчилари сайловни мамлакатимиз Конституцияси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун талаблари асосида ўтказиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, улар шаҳардаги Олмазор маҳалласида ҳам бўлиб, сайловга тайёргарлик жараёни билан танишдилар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Жорий йил мамлакатимиз Бош Қомуси қабул қилинганлигига 16 йил тўлади. Ушбу санага бағишланган тантанали тадбирларни ўтказиш қизғин давом этаётган айни бир даврда демократиянинг ноёб институти сифатида эътироф этилаётган, кўп асрлик тарихга эга ва мустақиллик йилларида ҳуқуқий мақом касб этиб, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни, нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётган ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Ҳозирда мазкур сайловларга тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирган.

2-саҳифада

ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚИЗҒИН

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонунчилик талаблари, ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли тадбирлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Самарқанд вилоятидаги мавжуд 1210 та маҳалла фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман (шаҳар) комиссиялари томонидан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аъзоларининг ҳуқуқий билим ва малакасини оширишга бағишланган минтақавий семинар-йиғилишлар ўтказилди. Мазкур семинарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосарлари М.Ражабова ва Ф.Акбарова, вилоят Адлия бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Самарқанд Давлат университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Худди шу каби семинар Нукус шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Валижон Райимов ҳамда тегишли ташкилот ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбирда Қорақалпоғистондаги 350 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловни юқори савияда ташкил этишни таъминлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қашқадарё вилояти комиссияси ташаббуси билан уюштирилган семинарда асосан сайлов қонунчилигига риоя этиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбиев ўз маърузасида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги қарори мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида тўхталиб ўтди.

Сайловни талаб даражасида ташкил этиш ва ўтказиш борасида Сирдарё вилоятида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунларда вилоятдаги фуқаролар йиғинлари қошида тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган семинарларни уюштириш билан бир қаторда, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) вазифасига номзодлар кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш билан қизғин шуғулланмоқда.

Жиззах вилоятида «Маҳалла» жамғармасининг вилоятдаги бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга ҳозирлик кўриш бўйича амалий ёрдам кўрсатишга анча барвақт киришган эди. Шунга кўра, вилоятда ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган давра суҳбатларини уюштириш бўйича махсус режа ишлаб чиқилиб, аввал вилоят, сўнгра шаҳар ва туманлар миқёсида «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш» мавзусида семинар-йиғилишлар бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари А.Бобоев, Ў.Раҳматов, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси аъзолари ва бошқалар иштирок этди.

Фуқаролар йиғинларида тузилган сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари айни чоғда сайловларни ўтказишга тайёргарлик кўриш билан бир қаторда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ҳам йўлга қўйган. Айниқса, сайлов жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида этибор қаратилмоқда.

МУХБИРЛАРИМИЗ.

ЯНГИ АВЛОД ИСТЕЪДОДЛАРИ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Yangi avlod forumi" Болалар ижодиёти маркази тўгараклари ўқувчиларининг катта ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим, теран тафаккур, эзгу ва олижаноб фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган кўплаб дастурлар, фармон ва қарорлар изчил ҳаётга татбиқ этилаётир.

Фарзандлар камолоти йўлидаги хайрли юмушларга турли вазирлик ва идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Буни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамғарма ўтказаётган турли тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари, республика истеъдодли ёшларининг "Янги авлод", "Келажак овози" кўрик-танловлари, "Навқирон Ўзбекистон" фестивали, концертлар, кўргазмалар юртимиз ўғил-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Жамғарма томонидан ташкил этилган «Yangi avlod forumi" Болалар ижодиёти марказида ўқувчилар рақс, тасвирий санъат, ашула, театр санъати, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, "Моҳир қўллар", тикувчилик сингари кўплаб йўналишдаги клублар ва тўгаракларда ўзгача файз бағишлайди, — дейди маҳалла оқсоқоли Жўлибой Умрзоқов. — Энг муҳими, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар йиғинимиз ходимлари ва маҳалладошларнинг доимий эътиборида. Масалан, яқинда боқувчисини йўқотган Санам момога ҳашар йўли билан янги уй қуриб бердик. Пенсионер Имат оғанинг ўғил уйлантириш тўйига ҳам маҳалла фаоллари бош-қош бўлишди. Бундай ишларда кўчабошилар Адилхон оға Наврўзов, Холбой оға Жумамуродовларнинг ибрати кучимизга куч, ҳимматимизга ҳиммат қўшгани рост.

Дарҳақиқат, шаҳардаги мавжуд 48 та фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг тинч-осойишта, фаровон турмуш кечиришини таъминлашда кўчабошиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар кўмагида маҳалла ва овуллардаги ёш оилаларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келинятпи. Жумладан, жорий йилда «Халқлар дўстлиги», «Шоирлар» ва «Тошлоқ» овулларида истиқомат қилаётган 10 та ёш оила ҳомийларнинг беминнат кўмагидан бахрамand бўлди.

Айни кунларда Нукусдаги овул ва маҳаллаларда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига жиддий ҳозирлик кўрилмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

КООПЕРАЦИЯ – ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

"Ўзэкспомарказ"да Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси давом этмоқда

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда иккинчи бор ташкил этилган Ўзбекистон саноатчилари форумида юртимизда фаолият юритаётган уч юздан зиёд компания ва корхона ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Тадбирнинг иккинчи куни «Ўзэлтехсаноат» ва "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмалари, "Ўзқурилишматериаллари" ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниялари, "Ўзбекистон темир йўллари" ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниялари, «Тошкент трактор заводи», «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи», «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятлари тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг тақдимоти бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда миллий транспорт магистралларини такомиллаштириш ва темир йўл соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" поездларида йўловчи ва юк ташиш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Компания темир йўл участкаларини электрлаштириш, янги темир йўл линиялари барпо этиш, юк вагонлари парки ва локомотивларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни жадал давом эттирмоқда. Бу борада кўплаб хорижий шериклар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Қуюв-механика заводи» – "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги етакчи корхоналардан. Корхона юк вагонлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлари тайёрлашга ихтисослашган.

— Олдинги ярмарка ва кооперацион биржадан буён корхонамиз ўн беш хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга муваффақ бўлди, — дейди завод бош директори Фарҳод Қобулов. — Жумладан, ушбу ярмаркада юк вагонлари, экскаватор ва насослар учун зарур эҳтиёт қисмлари, шайбалар, сув таъминоти қувурларининг қурилма ва ускуналарини намойиш этяпмиз. Халқаро талабларга мос ва юқори сифатли маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирилмоқда. Аввалари бундай маҳсулотлар хориждан келтириларди. Эндиликда улар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани юртимиз ишбилармонларига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Ўтган саноат ярмаркаси ва кооперацион биржа доирасида умумий қиймати саккиз миллиард сўмлик бир неча шартнома имзолаган эдик. Бу кўрсаткични янада оширишни режалаштиряпмиз. Тармоқ корхоналари ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи субъектлар вакиллари билан музокаралар ўтказиб, ўзаро манфаатли шартномалар тузмоқдамиз.

Мамлакатимиз автомобилсозлик соҳасида маҳаллийлаштириш жадал давом этаётир. «Ўзавтосаноат» тизимида очилган корхоналарда аккумулятор, ойна, ўтирғич, бампер, глушитель, ёнилғи баки, ички қоплама буюмлари, автоэмаль, жгут каби кўплаб бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани юртимиз автомобилсозлик саноати изчил ривожланаётганидан далолатдир.

— Кооперацион биржада ўтган йилги иштирокимиз ғоят самарали бўлган эди, — дейди «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси маҳаллийлаштириш департаменти бошлиғининг ўринбосари Қандиёр Асадов. — Аввалари кўпгина хомашёни четдан келтирар эдик. Форумдаги иштирокимиз самараси ўлароқ бу борадаги қатор муаммолар барҳам топиб, мамлакатимиздаги корхоналар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланмоқда. Масалан, «Артсаноатпласт» ва «Спектр» корхоналари бизга пластмасса деталлар, штамплаш қисмлари ва узеллар етказиб бермоқда. Маҳаллийлаштириш дастури валютани ва вақтни тежаш имконини бераётир. Бу галги форумда «Нексия 2», «Ласетти» сингари автомобиллар учун зарур янги бутловчи қисмларни намойиш этмоқдамиз. Ўтган йили умумий қиймати икки юз миллиард сўмдан зиёд ўттизга яқин шартнома имзолаган эдик. Бу кўрсаткични уч юз миллиардга етказишни режалаштиряпмиз. Корхонамиз томонидан ушбу ярмарка ва кооперацион биржа бошланганидан буён ўтган икки кун мобайнида ўнга яқин шартнома имзолангани шундан далолат бермоқда. Мазкур форумда ҳар бир иштирокчига ўзини қизиқтирган тармоқ ҳақида тўла маълумот олиш, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайликлар яратилгани унинг самарали ўтишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Анжуман

Фарғона вилояти

ЖАМОАТЧИ АЁЛЛАР — ЖАМИЯТ ФАОЛЛАРИ

Фарғона шаҳридаги «Aziya» меҳмонхонасида «Жамоатчи аёллар — фуқаролик жамиятининг бир бўлаги» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент Гёте институти ҳамда Германиянинг Фридрих Науманн фонди томонидан ташкил этилган анжуманда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада кафолатланганлиги, жамият ҳаётидаги иштироки таҳлил этилди.

Профессорлар Сибилли Флюге, Хильдегард Никел, Бундестаг аъзоси Мехтхильд Дикманс, Эттлингён шаҳри ҳокими Габриелла Буземаккерларнинг германиялик хотин-қизлар ҳаёти ҳақидаги маърузалари иштирокчиларга ғоят манзур бўлди. «Чирчиқ-Шоҳсанам» ўқув маркази раҳбари Татьяна Зайченко, Фарғона давлат университети профессори Турғуной Эгамбердиева, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Раъногон Бойқўзиеванинг маърузаларида юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш жараёнлари, хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасидаги ишлар хусусида сўз борди.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалла манзараси

Қорақалпоғистон Республикаси

ОБОД БЎЛГАН ОВУЛЛАР

Нукус шаҳри мустақиллик йилларида янгича қиёфа касб этди. Уч юз минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган мазкур шаҳарда янги-янги майдонлар, хиёбонлар барпо этилди. Сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар маҳаллалари ободонлаштирилиб, аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилди.

Нукусликлар «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида бир талай хайрли ишларни бажаришмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳомийлар кўмагидан самарали фойдаланиляпти. Бундай ишларнинг изчил бажарилишида «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинмаси, жамоат ташкилотлари ҳамда маҳалла фаолларининг хизмати ва ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Айниқса, «Тошлоқ» маҳалласининг бу борадаги ишлари ибратга лойиқ, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинмаси раиси Жамила Алланазарова. — Фуқаролар йиғинида аҳил жамоа таркиб топган. Оқсоқол Жўлибой Умрзоқов — серғайрат инсон. Шу боис, маҳаллада тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғини ходимлари ҳар бир хонадондаги ижтимоий муҳит билан яхши таниш.

— Маҳалламизда уюштириладиган ҳар бир тадбир кўпни кўрган нуронийлар, айниқса, тажрибали кўчабошилар бошчилигида ўтказилаётгани бу каби тадбирларга ўзгача файз бағишлайди, — дейди маҳалла оқсоқоли Жўлибой Умрзоқов. — Энг муҳими, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар йиғинимиз ходимлари ва маҳалладошларнинг доимий эътиборида. Масалан, яқинда боқувчисини йўқотган Санам момога ҳашар йўли билан янги уй қуриб бердик. Пенсионер Имат оғанинг ўғил уйлантириш тўйига ҳам маҳалла фаоллари бош-қош бўлишди. Бундай ишларда кўчабошилар Адилхон оға Наврўзов, Холбой оға Жумамуродовларнинг ибрати кучимизга куч, ҳимматимизга ҳиммат қўшгани рост.

Дарҳақиқат, шаҳардаги мавжуд 48 та фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг тинч-осойишта, фаровон турмуш кечиришини таъминлашда кўчабошиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар кўмагида маҳалла ва овуллардаги ёш оилаларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиб келинятпи. Жумладан, жорий йилда «Халқлар дўстлиги», «Шоирлар» ва «Тошлоқ» овулларида истиқомат қилаётган 10 та ёш оила ҳомийларнинг беминнат кўмагидан бахрамand бўлди.

Айни кунларда Нукусдаги овул ва маҳаллаларда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига жиддий ҳозирлик кўрилмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Маҳалла ташвиши билан елиб-югурадиган раисни энди вазифамдан озод этинглар, деса ҳам кўйиб юборишмайди.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

2008 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади

"Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади."

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси

"Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимига биноан сайланади.

Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади."

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади."

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲИТ

маҳаллада қарор топади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қарорида сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнига мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қараш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Сенат Кенгашининг комиссияси тузилди. Социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишда маҳалланинг роли тобора ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, фуқаролар йиғинлари раисларини (оқсоқолларини) ва уларнинг маслаҳатчиларини ташкилотчилик лаёқатига, ҳаётий тажриба ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган шахслар орасидан сайлашга йўналтирилган сайлов ўтказилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Бугунги кунда бу ижтимоий-сиёсий жараёнга жиддий аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки маҳалла жамиятдаги муаммоларга ечим топишда етакчи кучга айланди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир.

Эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита ёки билвосита давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳолат мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" ижтимоий-сиёсий қурилиш дастурининг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўляпти.

Шу ўринда маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларига тўхталадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, бундай ҳуқуқий асос биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида қатъий белгилаб берилди. Айнан маҳаллада шаклланган миллий-маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида 1992 йил 12 сентябрда "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармони, 1993 йил сентябрда эса "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимизда тез суръатлар билан ривожлана борди, унинг фаолиятини бевосита ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунга ҳам замон талабларидан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди. Шу боис, мамлакатимиз Парламенти – Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги ўзини ўзи бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди, дейилган. Шу даврга қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Конституциянинг мазкур умумий меъёрлари ва Ўзбекистон Республикасининг сайловларга оид қонунларига асосан ўтказиб келинди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бир неча маротаба фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайловлар жараёнида тўпланган амалий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис 2004 йил 29 апрелда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Бугунга кунга келиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, улар фаолиятини бевосита қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бир сўз билан айтганда, маҳалланинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тўла тартибга солинган.

Мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови иккинчи марта «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни асосида ўтказилади. Шу сабабли жойларда мазкур қонун нормаларини атрофлича ўрганиш, кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида давлат ҳокимияти органлари вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари ва таълим муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирокида тадбирлар ташкил этилаяпти. Бу борадаги ишларни янада жонлантириш, муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланган фуқаролар йиғинларига ўтказиладиган сайловларда юртимиздаги барча демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, корхона, муассаса ва идоралар вакиллари, бир сўз билан айтганда, аҳоли барча қатламларининг фаол иштирокини таъминлаш зарур. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит аввало маҳаллада қарор топади.

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Фуқаролар йиғини, йиғин раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисободларини эшитади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

ЕТАКЧИ МАСЪУЛИЯТИ

ёки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилаётган номзодларга қўйиладиган талаблар хусусида

Шу кунларда юртимиздаги барча шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилаётган сайловлар муносабати билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш жараёни бормоқда. Маълумки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар ушбу сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида, аҳолининг бу борадаги фикри инобатга олинган ҳолда кўрсатилади.

Мазкур қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилаётган номзодларга қўйиладиган талаблар алоҳида белгилаб берилган. Қоида тариқасида, номзодлар олий маълумотли, сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига ва ҳаётий тажрибага эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган инсон бўлиши керак. Қонунга мувофиқ, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган ҳамда суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод сифатида кўрсатилиши мумкин эмас.

Дарҳақиқат, бугунги кунда оқсоқол қанчалик тажрибали, ташаббускор ва фидойи бўлса, маҳалладаги муаммоларни шунчалик осон ҳал этиши амалда синалган ҳақиқат. Қолаверса, фуқаролар йиғини раиси ҳар бир маҳалладошининг хулқ-атворидан, хонадонлардаги ижтимоий муҳитдан тўлиқ бохабар экан, келгусида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, шу жумладан, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан янада ишончли ва адолат тамойиллари асосида қўллаб-қувватлаш учун имкон яратилади. Шунингдек, ушбу вазифага кўрсатилаётган номзодлар ўз ортидан маҳалладошларини эргаштира олиш қобилиятига эга бўлиши ҳам аҳолини эзгу ишлар йўлида жипслаштиришга, ҳудудда ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга асос бўлади. Буларнинг барчаси қонунда номзодларга қўйилган талабларнинг нақадар асосли эканидан далолатдир.

Фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқоллигига) номзодлар кўрсатилгач, уларнинг шахси ва фаолиятига доир ҳужжатлар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун сайловдан камида ўн кун олдин сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Сайлов куни ҳал этилиши лозим бўлган иккинчи масала фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларини сайлашдан иборат. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Яъни, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан сайловни ўтказиш учун белгиланган кун, жой ва вақтда ҳозир бўлган фуқаролар йиғини иштирокчилари йиғин раисини (оқсоқолини) сайлагач, янги сайланган раиснинг тақдимига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари вазифасига номзодлар вакиллар йиғилишида кўриб чиқилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзе ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши қонунда қайд этилган.

Ҳа, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига муносиб номзодларни кўрсатиш ушбу сайловларнинг энг муҳим босқичларидан биридир. Негаки, бугунги тараққий этиб бораётган замонга хос фикрлайдиган, юртимизда ҳар жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда фуқаролар йиғини ҳудудидаги мавжуд муаммоларни бартараф эта оладиган, эзгу мақсадлар йўлида кўпнинг бошини бириктира оладиган энг муносиб номзодларни танлаш сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Демак, ушбу сайловларда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш босқичи қанчалик оқилона ҳал этилса, келажакда қишлоқларимиз, овулу маҳаллаларимиз, бир сўз билан айтганда, юртимиз ривожи йўлида шунчалик мустаҳкам замин яратилган бўлади.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

8-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш муддатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ҳамда шаҳарлар ҳудудида тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади) тузилади.

Комиссиялар тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври учун тузилади.

Комиссиялар таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари киритилади.

Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

10-модда. Комиссияларнинг ваколатлари

Комиссиялар:

ушбу Қонун ижро этилишини таъминлайди ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларини чиқаради;

фуқароларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бухоро вилояти

ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИ – БОШ ОМИЛ

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига вилоятимиздаги қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибига фуқаролар йиғинларининг, давлат ҳокимияти бошқарув органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилди. Худди шундай комиссиялар халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида ҳам тузилиб, таркиби тасдиқланди. Ушбу сайлов жараёнида вилоятдаги мавжуд 546 та фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 5,5 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш кўзда тутилган.

Сайлов жараёнида амалга ошириладиган асосий ишлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари зиммасига тўғри келади. Ошкоралик ва демократик сайлов талабларини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳлари таркибига шу ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар йиғини вакиллари киритилди.

Айни кунларда ишчи гуруҳлари аъзолари фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган сайлов кунини, вақти ва жойини белгилаш, аҳолининг фикрини ҳисобга олиб, йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Шунингдек, гуруҳ аъзолари фуқароларни бўлажак сайловларда фаол иштирок этишга чақириб, жойларда тушунтириш ишларини олиб боришаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида маҳалла тизими ҳар томонлама ўзини оқлади. Маҳалла фуқароларни бирлаштира олиш, уларни хайрли ишларга жалб этиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кучи ва имкониятига эга яхлит тизим сифатида шакланиб улгурди.

Сайлов масаласига ҳам айнан шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ёндашиш талаб этилади. Қолаверса, тадбирни юқори савияда ўтказиш учун қўлимизда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни — ҳуқуқий асос бор. Унда сайлов билан боғлиқ барча масалалар ўз ечимини топган. Хусусан, мазкур қонунда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шартлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида бу борадаги вазифаларни тўлатўкис амалга ошириш мақсадида мавжуд ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислоҳотларни янада самарали амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларининг алоҳида ўрни бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун фуқаролар йиғинлари раислари аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга, фуқароларни ўз ортидан эргаштира оладиган, катта ҳаётий тажриба, билим ва малакага эга инсонлар бўлиши керак. Қолаверса, оқсоқол маҳалладаги ҳар бир юмушга бош-қош, маҳалла фуқароларининг кувонч ва ташвишларига шерик бўлиши, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши, маҳалладошлари ўртасида ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини қарор топтиришда собитқадам бўлиши лозим. Ўйлаймизки, ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилажак бу галги сайловларда фуқаролар йиғинларига кўрсатиладиган номзодларнинг шу каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бехбуд ЖУМАЕВ,
фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси ўринбосари.

Бандлик муаммоси ечими

Тошкент шаҳри

ИШТИЁҚ БЎЛСА, ИШ ТОПИЛАДИ

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фуқароларга, айниқса, хотин-қизларга уйдан узоқлашмаган ҳолда ишлаб даромад топиш имконини берди.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси пойтахтда бандлик муаммосини ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқда. Бошқарманинг «Бандлик» дастурига кўра, 2008 йилда пойтахтимизда жами 47 минг 522 та янги иш жойини ташкил қилиш режалаштирилган эди. Лекин янги объектларнинг ишга туширилиши, корхоналарни қайта қуриш, микрофирмалар ва уй меҳнатини ташкил қилиш, оилавий тадбиркорлик, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 52 минг 614 та янги иш ўрни яратилиб, режадаги кўрсаткич 111 фоизга бажарилди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор кучайиб бормоқда, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бандлик ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Расул Хожиев. — Хусусан, жорий йилда ташкил этилган янги иш ўринларининг 17 минг 916 таси аёллар учун мўлжалланган. Аксарият хотин-қизларимизга касаначилик асосида меҳнат қилиш қулайлик туғдирмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 31 минг 164 нафар фуқаро пойтахтдаги бандликка кўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг 27 минг 637 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, 4 минг 254 нафари йўлланма орқали касбга ва қайта касбга ўқитиш курсларига юборилган. Ўқиш муддати бир ойдан беш ойгача давом этадиган мазкур курсларда фуқаролар 30 дан зиёд касб-ҳунар сирларини бепул ўрганишлари мумкин. Бундан ташқари, ўқитиш жараёнида уларга белгиланган миқдорда стипендия ҳам тўланади. Яна 2 минг 546 нафар ишсиз фуқаро эса ўз хоҳишига биноан жамоат ишларига жалб қилинди. Уларга ҳам жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан ойлик маошлар белгиланган.

Мухтасар айтганда, бугун юртимизда ишлаш иштиёқида бўлган фуқароларга иш топилади. Энг муҳими, нафақат давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши, балки хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес эгалари ташаббуси билан ҳам жойларда бандлик муаммоси ечим топмоқда.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги олдидан

КОН САНОАТИ УЧУН ТЕХНИКАЛАР

«Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Навоий кон-металлургия комбинати тизимидаги йирик корхоналардан бири. Бу ерда асосан кон саноати техникалари таъмирланади ва улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 июлда қабул қилинган «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳамда уни нишонлаш тўғрисида»ги қароридан руҳланган бирлашма жамоаси ишлаб чиқариш суръатини янада оширмоқда.

Бирлашма олтита ишлаб чиқариш корхонасини ўз ичига олади. Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Литейка» корхонаси уларнинг энг йириги бўлиб, ялпи маҳсулотнинг 50 фоизидан кўпроғини етказиб бераётир.

Корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачиси Навоий кон- металлургия комбинати ҳисобланади. Шунингдек, завод "Ўзметкомбинат" ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналарга ҳам маҳсулот етказиб беради.

— Корхонамизда пўлат ва чўяндан ясаладиган эҳтиёт қисмларнинг етти мингга яқин тури ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Йўлдош Ғаниев. — Бу маҳсулотлар асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Аввал кўплаб мосламалар четдан келтирилган бўлса, ҳозир улар ўзимизда тайёрланмоқда. Бу катта миқдордаги валютани тежаш имконини бераётир.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

ҚИШ ТАРАДДУДИ КЎРИЛМОҚДА

Жиззах вилоятида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, савдо ва бошқа соҳа субъектларининг эҳтиёжи ҳисобга олиниб, қишки мавсумга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратиш ишлари давом этмоқда.

Вилоятда бу йил мева, сабзавот, полиз экинларидан ўтган йилларга қараганда анча кўп ҳосил етиштирилди. Шунга кўра картошка, пиёз, сабзи, карам, мева, гуруч, дуккакли маҳсулотлар «Матлуботсавдо», «Ғўштсутсавдо», бозорлар уюшмалари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасалари, вилоятдаги йирик корхоналар томонидан тайёрланиб, омборхоналарга ғамлаб қўйилмоқда. Маҳсулотларнинг катта қисмини Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Жиззах туманларидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари етказиб бераётир.

– Бизнинг тасарруфимиздаги мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб-интернатлар учун маҳсулот захираси тайёрлашимиз керак, – дейди Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ислом Анорбоев. – Таълим муассасаларида қишда ҳам мева-сабзавотлар етарли бўлиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Вилоят «Матлуботсавдо» уюшмаси тизимидаги корхоналар, «Улгуржисавдоинвест» уюшмаси, бозорлар уюшмаси зарур миқдордаги маҳсулотларни ғамлади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

СУДАН:

ГАРОВДАГИ НЕФТЧИЛАР

Reuters Africa агентлигининг хабар беришича, Суданнинг Дарфур вилоятида гаровга олинган тўққиз нафар хитойлик нефтчилардан беш нафари қочишга уринган чоғида отиб ўлдирилган, икки нафари эса жароҳатланганига қарамай, қочишга муваффақ бўлган. Айни пайтда икки нафар шахс гаровда сақланмоқда.

Судан ташқи ишлар вазири мамлакатдаги Адолат ва тенглик учун Ҳаракати (Justice and Equality Movement, JEM)ни хитойлик нефтчиларни ўғирлаш ва ўлдирганликда айбламоқда. Бироқ Ҳаракатнинг Лондондаги вакили бу жиноятни уюштиришга JEMнинг алоқадор эмаслигини таъкидлаган.

Бу чет эл фуқароларининг дарфурлик ғалаёнчилар томонидан ўлдирилиши билан боғлиқ биринчи ҳолатдир. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан ўтказилган UNAMIDнинг Дарфурда тинчликни сақлаш миссиясига бағишланган мажлисда Судан вакиллари бўлиб ўтган воқеа юзасидан чора кўрилишини талаб қилишди.

Суданнинг БМТдаги вакили фикрига кўра, нефтчиларнинг гаровга олиниши Хавфсизлик кенгашининг дарфурлик ғалаёнчилар хатти-ҳаракатига эътиборсиз ёндашаётгани оқибатидир. Ғалаёнчиларнинг мақсади Суданнинг асосий ҳамкори ва мамлакат иқтисодиётининг йирик сармоячиси бўлган Хитой билан алоқаларини бузишга қаратилган.

ИСРОИЛ:

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ

Исроил Президенти Шимон Перес мамлакатда муддатидан аввал парламент сайловларини ўтказишга рухсат берди.

Парламент асосий фракцияларининг барчаси муддатидан илгари парламент сайловларини ўтказиш тарафдори. Мамлакат ташқи ишлар вазири Ципи Ливни ҳам навбатдан ташқари сайловларни ўтказиш зарурлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, мамлакат бош вазири Эҳуд Ольмерт билан боғлиқ коррупцияга доир можаролар ҳамда унинг истеъфосидан сўнг Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливни баъзи партияларнинг кўмагисиз мамлакат парламентида коалиция ташкил қилолмади ва янги ҳукуматни ҳам шакллантира олмади.

Парламент сайловларида Биньямин Нетаниягу бошчилигидаги мухолифатдаги «Ликуд» партияси ғолиб чиқади, Ципи Ливни раҳбарлигидаги «Кадима» партияси эса иккинчи ўринни эгаллайди, дея тахмин қилинмоқда.

СУРИЯ:

АНТИТЕРРОР ОПЕРАЦИЯ

АҚШ армиясининг махсус хизмати Сурия ҳудудида антитеррор операцияни амалга оширди. Мазкур операция чоғида саккиз нафар киши ҳалок бўлган.

АҚШ махсус хизмати масъулларидан олинган маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар Ироққа ислом жангариларини ўтказиш ва қурол-яроғ етказиб бериш билан шуғулланишган. Расмий Дамашқ ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси тинч аҳоли вакиллари эканлигини таъкидлаб, Вашингтонни агрессияда айблади.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 4 та вертолёт Сурия чегарасидан ўтиб, Арофат дарёси бўйлаб Ас-Сукария қишлоғи томон учиб боради. Манзилга етгач эса, вертолетлар бир нечта уйларга ҳаво зарбалари беришган. Вертолётдан тушган ҳарбийлар маҳаллий аҳоли вакилларидан бири бўлган Довуд ал-Хамад ўғиллари билан ишлаётган ферма биносига граната-лар улоқтиришади. Шундан сўнг ҳарбийлар вертолётга чиқиб, Ироқ чегараси томон учиб кетишган.

Муносиб тақдирланганлар

Тошкент вилояти

МАТОНАТ — ЙИГИТ КЎРКИ

...Тақдир бу йигитни ортиқча сийламади, аксинча кўп синовларга рўбарў қилди. Лекин унинг ўз тақдиридан нолиганини ҳеч ким эшитмаган, эшитмаса ҳам керак...

Қалби беғубор орзуларга лиммолим тўла ўспирин йигитлик фаслига қадам қўйди. Кўпчилик тенгқурлари қаторида ишга жойлашди. Меҳнат қилишга иштиёқи баланд эди. Лекин замона зайли экан, Бахтиёр Афғонистондаги жангу жадалларда қатнашди. Ота-онаси бағрига эсон-омон қайтди. У урушда пайтида тинч яшаб, меҳнат қилиш нақадар улуғ неъмат эканини теран англаб етган эди. Кон-металлургия ишлаб чиқариш корхоналаридан бирида меҳнат зарбдорига айланди. Кунларнинг бирида улкан режалар, эзгу орзу-ниятларни юрагига туккан йигитнинг ҳаётини остин-устун қилган воқеа содир бўлди — Бахтиёр автоҳалокатга учради...

...У шифохонада ҳушига келди. Даҳшатли оғрикдан азойи бадани қақшаб ётарди. Энг ёмони, Бахтиёр айни куч-қувватга тўлган палласида чап оёғидан айрилган эди. Буни билгач, қалб оғриғи жисмоний азоблардан минг карра ортиқ бўлди, йигит руҳий тушкунлик исканжасида қолди...

— Ўша пайтда яқинларим, дўстларим атрофимда парвона бўлишди, — дея хотирлайди Бахтиёр. — Лекин ночорлик ҳисси руҳиятимни тарк этмасди. Улуғбек ака Валихўжаев билан танишгунимча шу аҳволда яшадим. У киши билан ҳамсуҳбат бўлгач, менда ўз ожизлигимни енгиш учун зўр куч пайдо бўлди. Улуғбек ака — ампутант ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси — жуда матонатли инсон. У ҳам менга ўхшаб автоҳалокат туфайли бир оёғидан айрилган экан. Лекин тушкунликка тушмаган, футбол билан жиддий шуғулланиб, ҳаётда ўз ўрнини топган. Улуғбек ака менга «Ука, ўзингни қўлга ол. Йигит киши учун тана мажруҳлиги ҳеч нарса эмас. Руҳан бардам бўл. Меҳнат қилишга урин. Биздекларга ҳам ишлаш, оила қуриш, бахтли бўлиш учун имкониятлар бор. Кўп нарса ўзимизга боғлиқ, ахир. Ҳали тўйингни бирга ўтказамиз!» дерди...

Бахтиёрга II гуруҳ ногирони нафақасини тайинлашди. Уйда нафақахўр бўлиб ўтиришни ўзига эп билмади, аввалги иш жойида уни нисбатан енгилроқ иш билан таъминлашди. Назоратчи оператор сифатида меҳнат қила бошлаган йигитнинг матонатига ҳамма қойил қолди.

Бу орада ҳамшира қиз Шарофатхонга уйланди, ҳам руҳидаги, ҳам жисмидаги дардларга малҳам топди. Бирин-кетин уч нафар фарзандли бўлишди.

Мана, тўрт йилдирки, Бахтиёр «Ўзгинюонг» Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасининг Тўйтепа шаҳридаги филиалида қадоқловчи бўлиб ишлаяпти. Иш жойида, маҳалла-кўйда, дўст-биродарлари ўртасида обрў-эътибори бор.

— Бахтиёрга маҳалланинг каттаю кичиги ҳурмат-эҳтиром билан қарайди, — дея таъкидлайди Бахтиёр Хўжаевнинг оиласи истиқомат қиладиган Тўйтепа шаҳрида жойлашган Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Бегматов. — Матонат — йигит кўрки, деган гап бор халқимизда. Бу иродали йигитнинг тақдир синовларига бардош ва матонат билан жавоб бериб яшаётгани, меҳнат қилиб, фарзандлар тарбиялаётгани баъзи такасалтанг, тўрт мучаси соғ бўла туриб, бунинг қадрига етмайдиган, вақтини беҳуда ўтказиб юрган ёшларга ибрат қилса арзигулик.

Маҳалла оқсоқоли ҳақ. Бахтиёр ўз матонати, жасорати билан кўпга ўрнак бўлгулик инсон. Юртимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида жисмоний ногиронлигига қарамасдан қийинчилик ва тўсиқларни мардонавор енгиб, ўзининг азму шижоати, мустаҳкам иродаси ва фидойилик фазилатларини намоён этгани ҳамда ёш авлод тарбияси, юрт тинчлиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани учун мамлакатимиз Президенти Фармонига асосан «Жасорат» медали билан тақдирланган бир гуруҳ ватандошларимиз сафида Бахтиёр Хўжаев ҳам бор.

— Юртбошимиз Фармонига асосан «Жасорат» медали билан тақдирланганим ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди, — дейди Бахтиёр Хўжаев. — Эл-юрт орасида эътибор топиш инсон учун катта бахт экан. Бу мукофот фақат меники эмас, уни қийин кунларда менга маънан қувват бўлганлари учун ота-онам, турмуш ўртоғим, дўст-биродарларим ва маҳалладошларимга кўрсатилган юксак рағбат, деб биламан.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти

Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамияти жорий йилда 700 миллион сўмлик спорт кийим-кечаклари тайёрлашни режалаштирган. 200 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада 15 турдаги спорт буюмлари ишлаб чиқарилади. Корхона цехларини реконструкция қилиш, янги жиҳозлар ўрнатиш натижасида маҳсулотлар сифати янада яхшиланди.

СУРАТДА: *тикувчи Бийронхон Зайниддинова.*
Шуҳрат ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Маҳаллада нима гап?

Фарғона вилояти

Хабарчилардан ҳамма мамнун

Ўзбекистон туманидаги «Қизилқақир» қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида еттита қишлоқ мавжуд. Уларда истиқомат қилувчи аҳоли вақтли матбуот нашрларини, хат-хабарлар, пенсия ва нафақа пулларини ўз вақтида етказиб бераётган маҳаллий алоқа бўлими хабарчилари — Саъдилло Деҳқонов ва Ҳамидулло Жарқиновлар хизматидан мамнун. Дарвоқе, маҳаллий алоқа бўлими яқинда аҳолидан табиий газ, электр энергияси, телефон алоқаси учун тўловларни ҳам жойларнинг ўзида қабул қилишни ташкиллаштириб, қишлоқ аҳли учун қулайлик яратди.

Айни пайтда алоқа бўлими ходимлари вақтли матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна ишларини ҳам бошлаб юборишган.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Бунёдкорлик

Хоразм вилояти

Урганчда янги бозор

Бирор юртнинг кўрку тароватидан, аҳоли ҳаёти фаровонлигидан воқиф бўлишни истасанг, шу юрт бозорларини кўздан кечир, деган гап бор халқимизда. Дарҳақиқат, бозор қанчалик кенг, ҳар томонлама қулай, ораста бўлса, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун шунчалик кенг имконият яратилади.



Худди мана шу жиҳат эътиборга олиниб, вилоят марказида жойлашган бозорнинг эски биносини бутунлай янгидан қуришга қарор қилинди. «АРТ-Камалак» хусусий корхонаси мутахассислари томонидан тақдим этилган лойиҳа асосида бозорда олиб борилаётган бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари ҳозирда ниҳоясига етказилмоқда.

— Бозор мажмуасининг янги қиёфаси нафақат воҳа аҳлида, балки Урганчга ташриф буюрадиган меҳмонларда ҳам ҳайрат ва ҳавас уйғотиши табиий, — дейди меъмор Абдулла Бойжонов. — Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилади. Айни пайтга қадар иккита ёпиқ ва битта очиқ савдо павильони таъмирдан чиқарилди. Расталар мармар плиталар билан қопланди. Ҳар иккала ёпиқ павильоннинг иккинчи қаватида ойнабанд дўконлар қурилган. Бозор мажмуаси атрофида гулзор, фаворалар бунёд этиляпти.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *бозор қурилишидан лавҳа.*

Қашқадарё вилояти

ТАШАББУС — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури томонидан таъсис этилган «Ҳудудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳа доирасида вилоятнинг Китоб ва Нишон туманларида ташкил этилган махсус марказларнинг вазифаси ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборат.

— Айни пайтда бир неча йўналишлар бўйича иш олиб бормоқдамиз, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг ҳамжамиятларни ривожлантириш бўйича менежери Абдулла Турдиев. — Шулардан бири аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилувчи ижтимоий объектлар қурилишига кўмаклашишдир. Биз, биринчи навбатда, илгари сурилаётган ташаббус жамиятга қанчалик фойда келтириши мумкинлигини ўрганиб чиқамиз. Агар у маъқул бўлса, ташаббускор гуруҳ раҳбари тайинланади, ўқув-семинар, тренинглар ташкил этилиб, зарур маслаҳатлар берилади. Лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад фуқароларни фаолликка ундаш, жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда уларнинг иштирокини таъминлашдир.

Хўжаликларни комплекс ривожлантириш йўналиши бўйича Китоб туманида 8 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, «Севаз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Севаз», «Қайнарбулоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Темирчи, «Бештерак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сарой қишлоқларини газлаштириш, Китоб шаҳрининг Ибн Сино номидаги кўчасидаги мавжуд электр тармоқларини таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, тез кунларда Ғафур Ғулом номидаги кўчада қариялар чойхонаси қад кўтариб, Пахтаобод ва Санам қишлоқларидаги маъмурий бинолар қурилиши ниҳоясига етказилади. Ровот, Кўрғонча, Жайрахона, Тубсоқ қишлоқлари аҳолиси эса тоза ичимлик суви билан таъминланади. Шунингдек, Нишон туманида ҳам худди шундай 2 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Лойиҳанинг иккинчи йўналиши Китоб ва Нишон туманларидаги деҳқон-фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Бунда асосий эътибор кооперациялар ташкил этишга қаратилади. Шу асосда Китоб туманидаги «Қуйноқбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 26 та фермер хўжалиги ихтиёрий равишда ўзаро бирлашиб, «Шарқ узумзорлари» кооперативини ташкил этишди. Бу Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига амалий жавоб бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида учрайдиган айрим муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Ҳозирча республикада ягона бўлган мазкур кооперация тажриба сифатида ташкил этилган.

Қир-адирлардаги экин майдонларида бутунлай издан чиққан суғориш тизимини қайта тиклаш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, дастлаб 85-90 метр баландликка сув чиқарилиб, 103 гектар ер сув билан таъминланади. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, сув билан таъминланган майдонлар ҳажми қарийб 200 гектарга кенгаяди.

Ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда хорижий мамлакатларда орттирилган илғор тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда. Вилоятга ташриф буюрган индонезиялик олимлар лойиҳа иштирокчиларини ўз мамлакатларида кооперацияларни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти бўйича олиб борилаётган тажрибалар билан таништирдилар. Бу ғояни амалга ошириш учун БМТ Тараққиёт дастури томонидан 40 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Дастурда аҳолининг тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш учун микрокредитлар бериш, молиявий хизмат кўрсатиш масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Бундай хизматлар «Имкон экспресс» микрокредит ташкилоти томонидан амалга оширилади. Масалан, ҳозирга қадар Китоб туманида узумчилик ва чорвачиликни ривожлантиришга 61 миллион сўм кредит йўналтирилган бўлса, Нишон туманида 45 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Шунингдек, фермер хўжаликларига ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун бепул, кафолатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Унга кўра малакали ҳисобчилар 150 дан зиёд фермер хўжалигига беминнат ёрдам кўрсатмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тадбир

Тошкент шаҳри

САРҲИСОБ САЙЛИ

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида анъанавий «Меҳржон» оммавий байрам сайли бўлиб ўтди.

— Истиқлол йилларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, анъанавий халқ сайиллари ва байрамларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди элшунос олим Билол Аминов. — Байрамлар замирида тинчлик, инсонпарварлик туйғулари мужассамдир. Қадимдан «Меҳржон» саховатли замин ва миришкор деҳқонларимиз меҳнатини улуғлаш айёми сифатида нишонланган.

Дарҳақиқат, байрамлар, халқ сайиллари каттаю кичикни бирлаштириб, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Хусусан, ота-боболаримиз «Меҳржон» кунларида дала ва боғларга сайилга чиққанлар, бир-бирларини йўқлаганлар. Наврўзда бўлгани каби «Меҳржон»да ҳам гинакудуратлар унутилиб, беморлар ҳолидан хабар олинган, бозорлар ва сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган, полвонлар куч синашган, аскиябозлик, айтишувлар, турли ўйин ва томошалар уюштирилган.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Меҳржон» байрами жорий йилда ҳам катта шодиёнага айланди. Байрамни кўтаринки рухда ташкил этишга Тошкент, Сирдарё, Наманган вилоятларидан келган хонандалару рақҳосалар, дорбозлар гуруҳи ўз ҳиссаларини қўшишди, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Ўткир Тоҳиров. — Бундан ташқари, деҳқон-фермерларимиз томонидан етиштирилган мева ва полиз экинлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

Тошкент вилояти Зангиота туманида фаолият юритувчи «Улуғбек Бахт Юлдузи» агрофирмаси бу йил учинчи марта мазкур ярмаркада 20 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Убайдулла Абдуллаев раҳбарлик қилаётган ушбу агрофирма бугунги кунда аҳолига сифатли ва арзон нархларда полиз маҳсулотларини етказиб бераётган етакчи жамоалардан бири ҳисобланади.

— «Меҳржон» бобо-деҳқонлар меҳнатининг сарҳисоби, она табиат инъом этган ноз-неъматларга шукроналик байрамидир. Ушбу шодиёнада туманимизда мавжуд 58 та маҳалланинг фаоллари қатнашяпти, — дейди Собир Раҳимов туманида жойлашган "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Исмонов.

Тадбир сўнгида «Ширинаки» танлови ғолиблари ҳамда байрам сайлининг фаол иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
«Mahalla» мухбири.

"Mahalla" меҳмони

МАҲАЛЛА — МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ

Юнус Ражабий (1897-1976) ўзбек мусиқа санъатининг асосчиларидан биридир. У нашрга тайёрлаган беш жилдлик "Ўзбек халқ музикаси" китобида мингдан зиёд халқ қўшиқлари ва мусиқалари жамланган. Юнус Ражабий "Мақом" ансамбли билан ишлаш жараёнида "Шашмақом"-нинг олти жилдлик янги нашрини ҳамда грампластинка ёзувлар тўпламини тайёрлаган. Пойтахтимиз марказидаги кўркам ва сўлим маҳаллалардан бирида жойлашган файзли хонадонда Юнус Ражабий 1956-1976 йиллар давомида истиқомат қилган. Ҳозирги кунда мазкур маҳалла санъаткор номи билан аталади. У яшаган хонадон эса уй-музейга айлантирилган. Ражабийлар сулоласининг муносиб давомчиси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий билан бўлган суҳбатимиз маҳалла ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида кечди.

— Ҳасан ака, маҳалла, унинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Ҳаммамиз ҳам маҳаллада туғилиб-ўсганмиз, маҳалла фуқаросимиз. Мен маҳаллани катта бир оилага ўхшатаман. Инсон камолотида унинг ўрни беқиёс. Азалазалдан халқимиз маҳаллага катта ҳурмат билан қараб келаётганининг, унинг ёзилмаган қонун-қоидаларига бўйсуниб яшаётганининг боиси ҳам ана шунда. Юртимизда мустақиллик йилларида маҳалланинг жамиятдаги ролини, мавқеини ошириш борасида олиб борилган ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Отамиз миллий анъаналаримизга ва қадриятларимизга ҳурмат билан қарарди, бизларни ҳам шундай руҳда тарбиялаганлар. Маҳалладошларимиз бошига ташвиш тушса, тўй ёки маърака қиладиган бўлса, албатта, у кишининг маслаҳатини олишади. Ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликни ёқтирмаганликлари учун бошқаларни ҳам ҳар қандай тадбирни ихчам, тартибли қилиб ўтказишга ундардилар. Отам меҳмондўст инсон бўлганликлари учун ҳовлимиздан одам аримасди. Вилоятлардан келган машҳур ҳофизлар, санъаткорлар бизникида меҳмон бўлишарди. Уйимизда шоир-ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида мушоиралар бўларди. Тўй бўлса, таниқли артистлар хизматга келишар, ҳовлимиз, тому деворларимиз одамга тўларди.

Қўни-қўшничилик ҳақидаги яна бир хотира ҳамон ёдимда. Биздан бир-икки уй нарида ёлғиз аёл яшарди. Онам ўн икки фарзандидан орттириб, ўша аёлга овқат чиқаришни канда қилмасди. Ана шу одат биз фарзандлар учун ибрат бўлган, десам янглишмайман. Билишимча, ўша аёлнинг ҳаёти жуда оғир ўтган, яқин инсонларидан айрилган эди. Уни ҳаётда маҳалладошларининг меҳр-оқибати ушлаб турарди.

Мен пойтахтимизнинг қадимий маҳаллаларидан бўлган "Чақар"да туғилиб ўсганман. Қўни-қўшнилар билан аҳил-иноқ, қариндошлардай бўлиб кетган эдик. Ўртамиздаги қадрдонлик ришталари ҳозирга қадар сақланиб қолган, имкон қадар тез-тез учрашиб турамиз, оилавий борди-келдимиз бор. Кўп йиллик ҳаётий тажрибамдан шунга амин бўлдимки, инсон маҳалладошларини қандай бўлса, шундайлигича яхши кўрар экан.

Маҳаллада ҳар хил табиатли одамлар яшайди. Қандайлигидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бўлади, у қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади. Баъзан Обид акам кинотеатрга янги кино келганини айтиб, ҳаммамизни бирга боришга даъват этиб турарди. "Дайди" номли ҳинд кинофильми келганини эшитиб, маҳалланинг каттаю кичиги уни кўришга бордик. Орамизда кинотеатр қоровулининг хотини ҳам бор эди. Кино бошланишидан аввал товуқ фермаси фаолияти ҳақида телефильм намойиш этилди. Кинодан чиққач, таассуротларимизни ўртоқлаша бошладик. Ҳар ким ўзига ёққан эпизодни муҳокама қиларди. Шунда қоровулнинг хотини ҳам жим ўтиргиси келмадими, "Менга ҳаммадан ҳам жўжалар ёқди", деса бўладими. Ҳаммамиз қўшни аёлнинг соддалигидан кулиб юбордик. Бу кулги, албатта, масхара маъносида эмасди, биз қўшни аёлни соддалиги учун яхши кўрардик.

Телевидение энди оммалаша бошлаган пайтлари фақат битта қўшнимизда телевизор бор эди. Маҳалладошлар йиғилиб, ўша хонадонда телевизор томоша қилардик. Кимдир майиз, кимдир туршак, хуллас, ким нима топса, ўртага қўяр, бирга баҳам кўрардик. Бир куни уруш ҳақидаги қизиқарли бадиий фильмни кўриш учун тўпландик. Кино эндигина бошланганда бирдан чироқ ўчиб қолди. Ҳафсаламиз пир бўлиб, уй-уйимизга тарқалдик. Бироздан сўнг чироқ ёниб, ҳаммамиз яна қўшниникига қараб чопдик. Хонадон эгаси ҳам ҳеч оғринмай, бизларни табассум билан кутиб олди. Бундай воқелар маҳалла аҳлини қовуштириш учун хизмат қилганига шубҳа қилмайман.

Таниқли шоир Туроб Тўла, мусиқачи Имомжон Икромов, ҳофиз Турғун Каримов ҳам маҳалладошимиз бўлган. Туроб Тўла маҳалладошларига бўлган муҳаббатини "Чақар" шеърида шундай ифодалаган эди:

Тошкентнинг Чақари машҳур маҳалла!
Ўктам ўғиллари, қизлари билан,
Ўзбеклари билан, руслари билан!
Шаҳарга ажойиб бинодан, боғдан,
Садоқат санъати қалбу қароғдан
Шаҳар қўшаётган меъмори билан,
Олма ёнбошлаган девори билан,
Қўйинг-чи, ҳаммаси — том-поми билан
Тошкентнинг Чақари машҳур маҳалла!

Маҳалламиздаги ҳашарлар ҳам баҳамжиҳат, жуда қизғин ўтарди. Ёзда қўни-қўшниларнинг дала ҳовлиларига ёрдамга борардик. Етиштирилган ҳосилдан маълум қисмини маҳалладошларга улашиш одат эди. Маҳаллаларда кам таъминланган, кўп болали оилаларга, бева-бечораларга меҳр-мурувват кўрсатилаётгани қадриятларимиз бардавом эканлигидан далолат.

— Халқимизнинг яхши кунлари, тўю тантаналари кўп. Баъзан бундай тадбирларни ўтказишда исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўйилмоқда. Сизнингча, бундай тадбирлар қандай ўтказилиши керак?

— Ҳозирги кунда тўйлар, маъракa-маросимлар тўйхоналарда, кафе ёки ресторанларда ўтказиляпти. Албатта, бу ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади. Лекин бундай тадбирларнинг маҳаллада, иложи бўлса, хонадоннинг ўзида ўтказилганига нима етсин! Айрим маҳаллаларда бундай тадбирларни ўтказиш учун махсус жойлар қурилган, зарур анжомлар, самовар, қозон-ўчоқ, идиш-товоқлар олинган. Менимча, бу жуда яхши. Маҳалла аҳли бир зумда йиғилиб сабзи тўғрайди, кимдир самовар қайнатади, кимдир дастурхон тузайди. Ана шу жараёнда улар ўртасида аҳиллик пайдо бўлади. Ҳеч эътибор бергандимисиз бу, айниқса, болалар учун қизиқ, улар яйраб ўйнайди, катталардан ибрат олади. Бундай одатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Наҳорги ошлар, тўю маросимлар юртимиздаги фаровонликдан, осойишталикдан нишона. Бироқ баъзан исрофгарчиликларга йўл қўйилганига гувоҳ бўламиз. Бундай нохуш ҳолатларга нафақат маҳалла фаоллари, оқсоқоллари, қолаверса, ҳар биримиз бефарқ қарамаслигимиз лозим. Ортиқча дабдабага берилган кимсаларни тартибга чақириш ҳаммамизнинг вазифамиз бўлиши керак.

Ака-ука Ризқи Ражабий *(ўнгдан)* **ва Юнус Ражабий сулоланинг яна бир вакили Исҳоқ Ражабов билан.**

(Архивдан олинган сурат)

— Айни пайтда Юнус Ражабий уй-музейининг ижрочи-директори сифатида ҳам фаолият кўрсатасиз. Муштарийларимизга уй-музей ҳақида маълумот берсангиз.

— Юнус Ражабийнинг сўнгги йигирма йиллик ҳаёти кечган хонадон бугунги кунда уй-музейга айлантирилган. Ҳар йили музейимизга юртимизнинг турли бурчакларидан, хорижий мамлакатлардан минглаб зиёратчилар ташриф буюришади. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, талабалар тез-тез келиб туришади. Уларга бу ерда Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумот берилади. Музейнинг мемориал хоналарида отамизнинг шахсий буюмлари, қўлёзмалари сақланади. Ўзбек мақомига бағишланган махсус залда эса мусиқа илмига дахлдор китоблар, ҳужжат ва материаллар, миллий чолғу асбоблари кўргазмага қўйилган. Маҳалламизда Юнус Ражабий номида гузар ҳам барпо этилган бўлиб, унда турли мавзуда кечалар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб турилади. Маҳаллада, жойларда ўтадиган тадбирларда беминнат хизмат кўрсатамиз.

— Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида маҳалла фуқаролар йиғинларига сайлов бўлиб ўтади. Сизнингча, маҳалланинг бошчиси, яъни оқсоқоли қандай бўлиши керак?

— Суҳбатимиз аввалида маҳаллани катта оилага ўхшатдим. Оиланинг тотувлиги, фаровонлиги оила бошлиғига боғлиқ бўлганидек, маҳалланинг ободлиги, аҳиллиги ҳам кўп жиҳатдан оқсоқолга боғлиқ. Оқсоқоли ташаббускор, жамоатчи, тадбиркор бўлган маҳаллада соғлом муҳит, осойишталик барқарор бўлади. Бу масъул вазифага энг муносиб номзодларнинг сайланиши юртимиз равнақи учун зарур, деб ўйлайман. Жамиятнинг жуда кўп муаммоларини маҳалла ёрдамида ҳал этиш мумкин. Айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат ва миллий анъаналар руҳида тарбиялашда маҳалланинг таъсир кучидан фойдаланиш кутилган самарани беради. Бу юмушни бажариш эса маҳалла тизими ходимлари, фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Ана шу масъулиятли вазифани бажаришда тизим ходимларига куч-қувват ва муваффақият тилайман.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА
суҳбатлашди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎСИРИ

КЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда бор қобилият ва имкониятларингизни ишга солишингизга тўғри келади. Муҳим ишларда қатъий қарорга келишга шошилмаганингиз маъқул.

СИГИР(22.04-20.05)
Касбий малакангизни ошириш учун қулай имконият туғилади. Бордию, дангасалик қилиб бу имкониятдан фойдаланмасангиз, кейин афсусланишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Яқин кунларда сиз учун энг муҳими — керакли пайтда керакли жойда бўла олиш. Буни уддалай олсангиз, жуда мураккаб туюлган вазифаларни ҳам осонгина бажаришингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ҳар бир ишда ташаббускор ва илғор бўлиш айни кунларда сизнинг энг кучли жиҳатингиз бўлиши мумкин. Бошланган иш якунига етказилса қандай соз!

АРСЛОН (23.07-22.08)
Сизни сўзи амалига мутаносиб кишилардан деб билишларини истасангиз атрофингиздагиларга катта-кичик ваъдалар беришда эҳтиёткор бўлишингиз лозим.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Яқин кунларни тинчгина, осуда ўтказиш ҳақидаги истагингиз ушалмаслиги мумкин. Аксинча, қизиқарли учрашувлар, баҳс-мунозаралар иштирокчиси бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Йўлингиздаги барча тўсиқлардан осон ўтасиз, фақат ҳамкорларни танлаш ва уларга ишонч билдиришда шошилмасликка ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Турли мавзуларда кечадиган баҳс-мунозаларда сўзловчи эмас, тингловчи бўлишга ҳаракат қилинг. Бошқа ҳолатларда қизиққонлик қилиш шарт эмас.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда ўзингиз билан ўзингиз оворасиз. Гўёки сиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ, сизнинг эса ҳеч ким билан. Бу ҳолат узоққа чўзилмайди, албатта.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Муросасозлик қобилиятингиз яқин кунларда яна бир бор иш беради — оилавий кўнгилсизликнинг олдини олишга эришасиз. Катта харид қилишингиз эҳтимоли йўқ эмас.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Фаолиятда фаол бўлиш яхши, албатта. Лекин илғорлик баъзан панд беради: масалан, сизнинг ҳаракатларингизни амалпарастликка йўйишлари ҳам мумкин.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Дўстларингизнинг кутилмаган ташрифи туфайли яқин кунларни ҳам қувончли, ҳам бироз ҳаловатсиз ўтказасиз. Меҳмондорчилик орасида муҳим ишларни бажаришга ҳам улгурасиз.

Жиззах вилояти

Кўрик-танлов давом этади

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўткизилаётган «Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танловининг Жиззах шаҳри босқичида Ҳамзаобод маҳалласи фуқароси Икромжон Элмуродов ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олганди.

Икромжоннинг ижодига мансуб фотосуратлар ҳаётийлиги ва образлилиги, мавзусининг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Унинг «Ватанга муҳаббат», «Истиқлол илҳомлари», «Жиззахда байрам» ва айниқса, «Маҳалладан бошланур Ватан» мавзуларида яратган фотоасарлари бунга мисолдир.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ҳам Икромжоннинг фотоасарлари ана шу жиҳатлари билан ажралиб турди. Шу боис, танлов ҳайъати Икромжон Элмуродовнинг ишларига юқори баҳо бериб, уни кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби деб топишди. Энди И.Элмуродов кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Янги дастур

«YURIDA» — ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Ҳуқуқшунос фаолиятини меъёрий ҳужжатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир ҳуқуқшуноснинг иш столида кундалик фаолиятида зарур бўлган қонун ва қонуности ҳужжатлар тўпламлари бўлиши жуда муҳимдир. Масалан, ҳуқуқшунос бирон-бир жиноий ёки фуқаролик иши билан боғлиқ ҳолатга ойдинлик киритмоқчи бўлса, дастлаб шу масалага оид ҳужжатлар билан танишади. Яъни, зарур ҳужжатни тўпламлардан излаб топиш учун анчагина вақт сарфлашига тўғри келади. Ана шундай ҳолатларда «YURIDA NYSA» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган «YURIDA» дастури ҳуқуқшуносларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиши мумкин.

«YURIDA» ЭҲМ дастури республикамиз қонунчилигига оид амалдаги меъёрий ҳужжатларни тўлиқ қамраб олган бўлиб, ҳужжатларнинг алоҳида папкаларда, тартиб билан йиғилганлиги, уларни бир вақтнинг ўзида бир нечта ойналарда очиб кўриш, ҳужжатларнинг номлари, саналари ва турлари бўйича саралаш, дастурдаги ҳужжатлар матнларига жадвал ва расмларни жойлаштириш, матнларни кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўгириш каби имкониятларнинг мавжудлиги ва компьютер хотирасидан оз жой эгаллаши билан жуда қулайдир. Мазкур дастур бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар, суд-ҳуқуқ соҳасида бой тажрибага эга бўлган мутахассислар иштирокида миллий қонунчилик базаси ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ва юристлар учун ихтисослаштирилган.

Дастурнинг афзаллик томони шундаки, ундан нафақат суд-ҳуқуқ тизими ходимлари фаолияти ва шу соҳанинг бўлажак мутахассислари, яъни талабаларнинг билим олиш жараёнида, балки юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотнинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳамда ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, у фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

"YURIDA"нинг яна бир қулай жиҳати қонун ишлаб чиқарувчи ёки меъёрий ҳужжатлар билан ишловчи орган мутахассислари ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатнинг бошқа меъёрий ҳужжатлар билан боғлиқлигини таққослаш, таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

Келгусида «YURIDA» дастурини янада мукаммаллаштириш, туркумлаштириш, барча меъёрий ҳужжатларни бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда жамлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, дастур базасини экспертиза ўтказилишидаги зарур ҳужжатлар ва эксперт олдига қўйиладиган саволлар, газета ва журналларда жиноий ёки фуқаролик ҳолатларига доир чоп этилган мақолалар, халқаро ҳуқуққа оид меъёрий ҳужжатлар, конвенциялар, кодексларга шарҳлар, ҳуқуқшуносликка оид дарсликлар ва илмий ишлар, МДҲ давлатлари кодекслари, тергов ва суд ҳужжатлари, шартнома ва буйруқлар намуналари ҳамда бошқа маълумотлар билан бойитиш кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Фаолият

Қорақалпоғистон Республикаси

НОМИГА МУНОСИБ МАСКАН

Юртимиздаги ҳар бир маҳаллада бўлгани каби Манғит шаҳридаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш, эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Йиғинимиз ҳудудида 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отабек Ўразимбетов. — Улар ўзаро аҳил, тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Мавжуд муаммолар эса маҳалла фаоллари билан баҳамжиҳат ҳал этилади. Кам таъминланган оилалар, икки ёшгача болалари бўлган оналарга ёрдам ва нафақа пулларининг ўз вақтида берилиши, тўй-маросимларни камчиқим, тартибли ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Жорий йилда чорва моллари хариди учун 4 та оилага микрокредитлар олишига кўмаклашдик.

Маҳалла аҳлининг узоғини яқин қилиш мақсадида ҳудудда бичиш-тикиш цехи, новвойхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси мунтазам ишлаб турибди. Болаларнинг жисмонан соғлом улғайиши учун спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериляпти. Бунинг самараси ўлароқ, маҳалла ёшлари волейбол ва футбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

БИР ҲОВЛИДА 1000 ТУРФА ГУЛ

Марғилонлик Саидумар Набиев умрининг деярли 40 йилини гулчиликка бағишлаган миришкорлардан. Унинг ҳовлисига қадам ранжида қилган киши турфа гуллар жамланган чаманзорга кириб қолгандек сезади, ўзини.

Бугунги кунда Саидумар ака мингдан зиёд турдаги ноёб гулларни парваришламоқда. Айниқса, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Эрон ва бошқа мамлакатлардан келтирилиб, бизнинг иқлимимизга мослаштирилган ранг-баранг гул кўчатлари боғ ва хиёбонлар, хонадонларга файз киритмоқда.

Саидумар Набиев олис ўлкалардан гул кўчатлари келтириш билан бирга, уларни парваришлаш жараёнини ҳам пухта ўрганди. Гулчиликка оид қўлланмалар ва журналларни ўқиб, билим ва тажрибасини янада бойитди. Ниҳоят, кўп йиллик изланишлари самараси ўлароқ, тажрибали гулчи камайиб бораётган буганвиллея, брунфелзия, цикас, плумерия, арауҳария, пальма, агава, кактус каби 50 турдан ортиқ гул навларини етиштиришга муваффақ бўлди.

Айни пайтда Саидумар ака хориждан келтирилган манзарали дарахтларни юртимиз иқлимига мослаштириш билан машғул.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla
МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93
236-55-69, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: Ҳамза Абдуллаев
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11769 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920
2 3 4 5 6
Топширилди — 23.18